



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 9 июнь, № 113 (5028)

Чоршанба

Пойтахтимизда 8 июнь куни Ўзбекистон — Жанубий Корея ишбилармонлар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикаси Таълим ва иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея: ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Унда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, геология ва минерал ресурслар, авиасозлик, қурилиш, кимё каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўринбосари, Корея Республикаси таълим ва иқтисодиёт вазири Чой Кёнг Хван мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил мустақамлашиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзaro муносабатларини янги мазмун билан бойитди. Мазкур ташриф асосида кўплаб соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиб тартиб жорий қилинган. Ўзaro товар айирбошлаш ҳажми 2009 йили 8,2 фоиз ошди. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мам-

лакатимизда Жанубий Кореянинг 84 та компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, энгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг бир неча фирма ва компанияларидан кўплаб вақиллар иштирок этгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қўлай сармоявий муҳит улар-вазири Элёр Фаниев, Корея Республикаси таълим ва иқтисодиёт вазири Чой Кёнг Хван мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил мустақамлашиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзaro муносабатларини янги мазмун билан бойитди. Мазкур ташриф асосида кўплаб соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиб тартиб жорий қилинган. Ўзaro товар айирбошлаш ҳажми 2009 йили 8,2 фоиз ошди. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мам-

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Зиядулла Пўлатходжаев Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевга ишонч ёрлигини топширди.

Ишонч ёрлигини топшириш маросими чоғида Россия Федерацияси раҳбари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболлини ижобий баҳолади.

Россия Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг яқинда Россия Федерациясига амалга оширган ташрифи ва унинг натижасида имзоланишга эришилган келишувлар ушбу алоқаларга янгица ривожланиш суръатини бахш этганини таъкидлади.

Дмитрий Медведев ШХТнинг Тошкентда бўлиб ўтажак саммити чоғида икки томонлама ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича ўзaro ишончга асосланган мулоқотларнинг давом этишига умид билдирди.

«Жаҳон» АА.

Қайта ишлаш корхоналари кўпаймоқда

Жорий йилнинг биринчи чорағида мамлакатимизда

31 қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди.

Уларнинг ишга туширилиши натижасида жойларда мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми сезиларли даражада ортди.

Бир рақам шарҳи

Бадий гимнастика: НАФОСАТ, ЖОЗИБА ВА БАРКАМОЛЛИК



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шу боис Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришишда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мустақиллик шарофати билан нафақат шаҳарларда, балки энг олис қишлоқ жойларида ҳам бири-биридан кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этиляпти. Шундай шароитда спортсевар ёшлар сони тобора ортиб бораёпти.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланаётганлиги кузатишмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ушбу спорт тури

2010 йил — Баркамол авлод йили

бўйича тўғарак ва секцияларни кўпайтириш, мавжуд спорт иншоотларининг моддий-техник базасини яхшилаш, зарур спорт жиҳозлари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Нукус ва Тахياتош шаҳарларида, Ҳўжайли, Қўнғирот, Қораўзақ, Тўртқўл, Кеғейли, Мўйноқ туманларида 864 нафар қиз бадий гимнастика билан шугулланмоқда.

Ушбу спорт турини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Нукус шаҳридаги 1-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Прогресс» таълим ва ривожлантириш маркази, Тахياتош шаҳридаги 3-спорт мактаби ҳамда Ҳўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи зарур гимнастика жиҳозлари билан таъминланган. Шунингдек, Қўнғирот туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 2 миллион 385 минг сўмлик, Нукусдаги 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 3 миллион 430 минг сўмлик гимнастика ғилами берилган.

(Давоми 4-бетда).

Ноширлик ва китоб санъати

МДХ мамлакатлари ноширлари ва матбаачилари ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган анъанавий «Китоб санъати» халқаро кўрик-танлови нуфузли тадбирлардан бири ҳисобланади.

Халқаро танлов

Бу йилги танловга ўзига хос дизайн асосида безатилган 158 та турли ҳажмдаги китоб, альбомлар тақдим этилди. Унда Ўзбекистон вакиллари 5 та номинация бўйича совринли ўринларни кўлга киритдилар. «Ҳамдўстлик» номинациясида «Маънавият» нашриётининг Ўзбекистон Фанлар

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги долзарб масалалар — Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)даги раислиги ва ушбу Ташкилотнинг Тошкент шаҳрида бўлажак саммитига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Германиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон ташқи сиёсатининг долзарб мавзулари ҳамда ШХТдаги раислигининг устувор жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Ўзбекистон ШХТдаги раислиги даврида асосий эътиборни учта — ШХТнинг турли тузилмалари қарор қабул қилиш механизmlарини оптималлаштириш ва замонавийлаштириш зарурлиги; ШХТ Хартиясининг мақсадлари, вазифа ва тамойилларига қатъий амал қилингани ҳолда, унинг халқаро алоқаларини ривожлантириш ва меъёрий-

Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги Германия экспертлари нигоҳида

мўлжалланган дадил қадамлар қўйилганига эътибор қаратишди. Бу эса, ўз навбатида, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга, савдо ва инвестиция учун қўлай шарт-шароитларни яратишга, молия, энергетика, транспорт ва коммуникация, қишлоқ ҳўжалиги, фан ва техника соҳаларида амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Бундан ташқари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, Афғонистон билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ишларига муҳим аҳамият қаратилаётгани айтилди.

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

Ёшларни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, янги истеъодларни кашф этишда «Келажақ овози» республика кўрик-танловининг аҳамияти беқийс.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир 2009 йилда 63 минг нафардан зиёд йигит-қиз ўз билим ва иқтидорини синаб кўргани фикримиз далилидир. Бугунги кунга келиб, «Келажақ овози»

танлови республика босқичининг ўтган йиллардаги 27 нафар ғолиби ўз кашфиётлари ва ишланмалари учун патент олишга эришди.

Мазкур танловга Бухорода ҳам қизиқиш катта. Чундан 2009 йилда 63 минг нафардан зиёд йигит-қиз ўз билим ва иқтидорини синаб кўргани бунга мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Экоҳаракат боғи

атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади

ПОЙТАХТИМИЗДА Ўзбекистон экологик ҳаракати ва «Gazamir-Pro» МЧЖ ҳамкорлигида Бугунжон атроф-муҳит кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир доирасида «Buloqcha — Родничок» болалар экологик журнали тақдими, «Онажоним, табиат» иншо-лар танлови яқини ва Экоҳаракат боғининг очилиш маросими ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

Тадбиркор гузар қурди

АНДИЖОН. Пахтабод туманилик тадбиркор Ақромжон Мирзаев Учқўза қишлоғида мухташам замонавий кўринишга эга маҳалла гузарини фойдаланишга топширди.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 200 миллион сўмлик кредит маблағи сарфланди. Айни пайтда бу ерда савдо дўконлари, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси сингари ўнлаб хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаяпти. Шунингдек, гузарда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган цех ҳам фаолият бошлади.

Маъмура фойдаланишга топширилиши туфайли 80 нафар қишлоқ аҳолиси ишли бўлди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўшма лойиҳа амалда

САМАРКАНД. Вилоят Ноғиронлар жамияти қошида БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини қўшма лойиҳаси доирасида «Иш изловчи ноғирон инсонлар» клуби ташкил этилди.

Клубнинг мақсади жисмоний имконияти чекланган инсонларни муносиб иш билан таъминлаш орқали жамиятда ўз ўринларини топширишга қўмақлаштиришга қаратилган. Бу ерда ноғиронлар бўш ва қовталанган иш ўринлари ҳамда меҳнат қончилигида белгиланган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлар билан яқиндан танишадилар.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хориж технологияси асосида

ЖИЗЗАХ. Фаллаорол туманида гишт ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган «Турон старт» хусусий корхонаси иш бошлади.

Бунинг учун тадбиркор Олим Пардаев ўз маблағи ҳисобидан 150 миллион сўм сарфлаб, хориждан замонавий, тежамкор технологиялар олиб келиб ўрнатди. 48 киши доимий иш билан таъминланган корхонада ойига ўртача 400 минг дона сифатли деворбоп материаллар тайёрланмоқда.

У. АДДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги Германия экспертлари нигоҳида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг "6+2" мулоқот гуруҳи фаолиятини янгилаб, унга НАТОни киритиш эвазига "6+3" форматига айлантириш борасидаги ташаббуснинг долзарб ва ўз вақтида киритилган таклиф экани таъкидланди. Айни пайтда Ўзбекистон Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш ишида фаол қатнашаётгани ва жаҳон ҳамжамиятининг ушбу йўналишдаги саяб-ҳаракатларига ўзини муносиб улушни кўшаётгани қайд этилди. Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган, Афғонистон иқтисодиётининг тикланишида муҳим ўрин тутувчи "Ҳайратон — Мозори Шариф — Хирот" темир йўл тармоғининг қурилиши лойиҳасининг "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан амалга оширилиши мисол сифатида келтирилди.

Иштирокчилар БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг шу йил апрель ойида Тошкентга амалга оширган ташрифи чоғида қабул қилинган ШХТ ва БМТ Қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларациянинг долзарблиги ва муҳимлигини қайд этилди.

Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияга кўмаклашиш жамияти раҳбари Д. Краа сўнгги йилларда ШХТ минтақавий ҳамкорлигининг янги кўриниши сифатида шаклланишини таъкидлади. У шунингдек, Ташкилотга Ўзбекистоннинг раислиги даврида ШХТнинг нуфузини мустаҳкамлаш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қатор муҳим ташаббуслар қилинганини айтди.

Унинг фикрича, ШХТнинг платформаси ва доираси ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳам яхши имкониятлар очди.

Ф. Эберт номидagi жамғарма вакили Р. Шуберт Ўзбекистоннинг ушбу Ташкилотдаги муваффақиятли раислиги Марказий Осиёда ҳақиқий минтақавий интеграциялашувнинг кучайишига хизмат қилишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА. Берлин

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ўзбекистон — иқтисодиёти изчил ривожланмаётган мамлакат, — деди Чой Кёнг Хван. — Биз ўзаро ҳамкорликни юксак қадраймиз. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамжи муттасил ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Иштирокчиларнинг барчаси билимга ташна, иштиёқи баланд, янгиликка ўч экани кишини қувонтиради, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўйича мувофиқлаштирувчиси Отабек Қаҳҳоров. — Биласиз, танлов 15 та йўналиш ва тўртта номинациядан иборат. Муҳими, ёшларимиз бу орқали ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини рўйбга чиқаришмоқда.

Ўзбекистон — Жанубий Корея: ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

кадемияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими билан ҳамкорликда яратган «Қорақалпоқ фольклори» альбом-китоби биринчи ўринга лойиқ кўрилди. «Менинг Ватаним» номинацияси бўйича ўтказилган кўрик-танловда ҳам «Маънавият» нашриётининг «Ўзбекистон табиати: Қашқадарё» альбом-китоби учинчи ўринга муносиб, деб топилди.

Кўрик-танловнинг «Болалар ва ўсмирлар учун китоблар» номинациясида Чўлпон номи-

Мадина УМАРОВА, Ўза мухбири.

— Лойиҳам бўйича у атиги 20 сотих майдонни эгаллайди. Тежамкорлик масаласига эътибор қаратганман. Шунингдек, мазкур бог ҳудудини куёш энергияси ёрдамида ёритиш кўзда тутилган.

Тадбирда бу каби кўплаб ишланма ва техник лойиҳаларни, рационализаторлик таклифларини, либослар дизайни кўргазмаларини кўриш мумкин. Улар орасидан энг яхшилари голиб бўлиб, гоя муаллифлари кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ноширлик ва китоб санъати

даги нашриёт-матбаа ижодий уйининг «Жониворлар атласи. Ўқувчилар учун», «Менинг энг сеvimли биринчи энциклопедиям», «Болалар бoғчаси учун сеvimли эртақлар» китоблар туркуми учинчи ўринни эгаллади.

«Хамдўстликда чоп этилган» номинациясида «Санъат» журнали нашриётининг «Ўзбек тасвирий санъати анто-

логияси» китоб-альбоми ҳам учинчи ўринга сазовор бўлди.

Халқаро кўрик-танловнинг энг нуфузли мукофоти — «Гран-при» номинациясида «Ўқувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланган чоп этилган «Бобурнома. Миниатюралар» альбом-китоби рағбатлантирувчи соврин билан тақдирланди.

ЭКОҲАРАКАТ БОҒИ

атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда атроф-муҳитни асраб-авайлаш, экологик мусаффоликка эришиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундай саяб-ҳаракатлар туфайли табиат ва атроф-муҳит мусаффолиги таъминланаётган.

Ўтган йили атмосферага чиқарилган зарарли моддалар ҳажми 2008 йилдагига нисбатан 55 минг тоннага камайганили бунинг мисолидир. Айни чоғда 2009 йилда 18,6 мингта автомобиль газ ёқилгисига ўтказилиши ҳисобига зарарли чиқтирлар ҳажми 16 минг тоннага камайишига эришилди. Эндиликда аҳолининг, хусусан, болаларнинг экологик маданиятини юксалтиришда «Вилоҳита — Родничок» болалар экологик журналининг ҳам алоҳида ўрни бўлади.

Анжуманда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва «Тонг юлдузи» газетаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Она-жоним, табиат» иншоолар танлови голиблари тақдирланди.

— Рақобат кучли бўлди, — дейди танлов голибларидан бири Камава Жайлабова. — Унда 400 нафар ўқувчининг катнашганлиги бунга тасдиқлаб турибди. Ижодий иншоини ёзарканман, тузилган жойим — Поп туманидаги Чоркесар қишлоғи табиати, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда табиатни асраб-авайлаш билан боғлиқ айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этдим. Голиб бўлганимдан хурсандман. Келажакда бу борадаги ишларимни давом эттираман.

Тадбирда, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга жамоатчиликни жалб этиш, соҳадаги янгиликларни уларга ўз вақтида етказиш мақсадида экожурналистика республика танлови эълон қилинди. У Ўзбекистон экологик ҳаракати, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Экофорум, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилиги фонди, нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

Рухшуносларнинг фикрича, эзгуликни таранум этувчи эртақларни эшитиб улғайган болада ҳаётга муҳаббат, орзу-умидларга иштиёқ ҳисси юқори бўлар экан.

Электрон-эртақлар олами

Шу маънода, бугун юртимизда фарзандларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш мақсадида кўплаб эртақ китоблар нашрдан чиқарилаётган. Қувонарлиси, эндиликда болалар ушбу эртақларни мутолаа қилибгина қолмай, балки электрон дисклар орқали мароқ билан тинглашлари ҳам мумкин.

Куни кеча пойтахтимизда ана шундай «Аудио-Эртақ» жамланмасининг тақдимот маросими ўтказилди. Мазкур тадбир «ART FLEX» нашриёти ва «Китоб дунёси» газетаси тахририяти ташаббуси билан ташкил этилди. Унда қатор ташкилот ва идоралар мутасаддилари, умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлодни воғга етказиш, уларни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу саяб-ҳаракатлар бугунги авлоднинг китоб мутолаасига бўлган меҳри ва қизиқлигини ошириш борасидаги хайрли ишлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда.

— Болалигидан эзгулик, дўстлик ва меҳр-муҳаббатдек ноёб туйғулар оғушида улғайган инсон ҳаммиша комилликка интилиб яшайди, — дейди «ART FLEX» нашриёти бош муҳаррири Нилуфар Жумаева. — Шунини инобатга олиб, ушбу аудиодискларнинг нафақат мактаб ёшидаги болалар, балки бoғчадаги кичкинтойларга ҳам мос бўлиши учун ҳаракат қилдик. Масалан, «Ҳайвонлар ҳақида эртақлар» номли овозлаштирилган дискдан «Тулки ва турна», «Чумоли ва қабулар», «Кўзгуча» сингари қизиқарли эртақлар жой олган бўлиб, бундай аудиоезувлар болажонларда катта таассурот уйғотиши, шубҳасиз.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИМКОНИЯТ ВА САМАРА УЙҒУНЛИГИ

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугун иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, саноат корхоналарида улкан муваффақиятлар кўлга киритилмоқда. Бундай ютуқларга дунё миқёсида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида эришилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.



Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлариغا бағишланган мажлисида Юртбошимиз томонидан истиқболга мўлжалланган, мамлакатимиз салоҳияти, қудратини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган йўналишлар қаторида электрэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва тежамкорликнинг самарали тизимини жорий этиш борасида қатор вазифалар белгиланган эди.

ЮКСАЛИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Зеро, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишда мавжуд ресурслардан, аввало, электр энергиясидан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шундан келиб чиқиб, «Ўздавэнерго-назорат» инспекцияси томонидан бу борада салмоқли ишлар қилинаётган.

Айтиши жоизки, инспекция, асосан, электр ва иссиқлик энергиясининг самарали ҳамда оқилона ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмирдан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширади. Юридик шахслар томонидан энергияни тежаб ишлаш, бу жараёнда белгиланган қонун, қоидаларга риоя этилишини ўрганиш учун мунтазам мониторинглар олиб боради.

Кейинги йилларда ушбу ташкилот томонидан соҳада амалиётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, кўплаб корхоналарда ишлаб чиқаришни ихчам ва тежамкор техно-

Ислохот

Жумладан, Сирдарёдаги мавжуд 39 та қўшма корхонанинг барқарор фаолият юритиши вилоятнинг саноат борасидаги салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётган. Янгиердаги «Кармента Янтекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳам йилдан-йилга экспорт салоҳиятини ошириб бораётган ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан биридир.

Эътиборлиси, корхона ҳозирда ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топиб улгурди. Ўтган йили бу ерда 2 миллиард 158,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани, унинг 263,4 минг АҚШ долларлиги четга сотилгани бунинг тасдиғидир.

— Корхонамиз 2008 йилда Россиянинг «Кармента» масъулияти чекланган жамияти ҳамда шахримиздаги «Мос Янтекс» корхонаси негизига ташкил этилди, — дейди корхона раҳбари Зикрилло Абдувоҳидов. — Айтиш жоизки, ўтган вақт мобайнида Хитой ҳамда Туркия давлатларининг етакчи фирмаларидан тикув, тўқув ва бошқа дастгоҳларни келтириб ўрнатганимиз муваффақиятлар омили бўлмоқда. Энг муҳими, хом ашё — калава ипни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан олаётганимиз маҳсулот таннархининг арзонлигини таъминлаётган.

Дарҳақиқат, корхона жамоаси яратилган имконият ва шароитлардан унумли фойдаланиб, ташаббускорлик билан меҳнат қилмоқда. Жорий йилда бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 420 тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, корхонада толани қайта ишлаш лойиҳаси устида ҳам ишланмиш олиб бориляпти. Бу эса «Кармента Янтекс»да келгусида даромад ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳам бундан-да кўпайишидан далолатдир.

Шомурод ХОЛМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа. Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.

Тежамкорлик

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июнда қабул қилинган «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам мазкур йўналишдаги ислохотлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилаётган. Унга кўра, 2009 — 2011 йиллар мобайнида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тармоқлари ва мамлакатимиздаги барча электр энергияси истеъмолчилари замонвий автоматлаштирилган тизим — электрон ҳисоблагичлар билан жиҳозланиши белгиланган. Шунингдек, хусусий опе-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 8 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйиладиган қийматини белгилади: *


1 Австралия доллари	1289,21
1 Англия фунт стерлинги	2287,31
1 Дания кронаси	253,73
1 БАА дирҳами	431,70
1 АҚШ доллари	1585,55
1 Миср фунти	279,69
1 Исландия кронаси	12,04
1 Канада доллари	1489,76
1 Хитой юани	232,14
1 Малайзия ринггити	475,50
1 Поляша злотийси	451,02
1 СДР	2317,85
1 Туркия лираси	983,77
1 Швейцария франки	1359,00
1 евро	1942,07
10 Жаңбуёй Корея вон	12,84
1 Япония енаси	173,76
1 Россия рубли	51,03
1 Украина гривнаси	200,06

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олганган.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

24 соат ичида
 Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг молия вазирлари Инкирозга қарши жамғарма тузишга келишиб олишди, дейилди "АФР" хабарида.

Инкирозга қарши жамғарма



Гап шундаки, қарийб 600 миллиард евро миқдорда маблағ йўналтирилиши режалаштирилган мазкур жамғарма Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларга молиявий ёрдам беради. Ҳозирча Греция, Португалия, Ирландия ҳамда Испания каби иқтисодий қийинчиликка дуч келган давлатларга дастлабки сармоялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Таклиф билан чиқди

Жаҳонга машҳур "Renault-Nissan" бирлашмаси Жанубий Кореянинг "SsangYong" автомобил-созлик корхонасини сотиб олишини маълум қилди.

Гап шундаки, "SsangYong" мутасаддилари оғир молиявий таназулини бошдан кечирётган компанияни сотишга қарор қилишган. Томонлар бир фикрга келишса, "Renault-Nissan" Жанубий Кореяда "Samsung" русумли машиналар ишлаб чиқара бошлайди.

Бирлашишга қарор қилишди



АҚШнинг "Morgan Stanley" банки қарийб 300 га яқин бўлимини ёлмоқчи.

Бундан ташқари, молия муассасаси 1,2 минг нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади. "Morgan Stanley" маъмурияти харажатларни тежаш ҳамда "Smith Barney" банки билан бирлашадигани сабабли шундай қарорга келган. Банк мутасаддилари профессионал ходимларни сақлаб қолишмоқда.

Гладиаторлар қабри

Буюк Британиянинг Йорк шаҳри яқинида олиб борилган археологик қазималар чоғида гладиаторлар қабри топилди.

"Daily Mail" нашрининг ёзишича, даҳмада ҳаётдан эрта кўз юмган 80 нафар бақувват эркек кишининг жасади аниқланган. Уларда турли жароҳат излари қайд этилган. Бу эса мутахассисларнинг жасадалар Рим империяси даврида яшаган гладиаторларга тегишли, деган хулосага келишига сабаб бўлди.

Навбатдаги иш ташлаш

Хитойда Япониянинг "Honda Motor" компаниясига қаршли "Yutaka Giken" корхонаси ходимлари иш ташлаш эълон қилди.

Улар иш ҳақи оширилишини талаб қилиб, норозилик уюштиришган. Бу Хитойдаги "Honda Motor"га қаршли корхоналарда ташкил этилган биринчи иш ташлаш эмас. Олдинроқ компаниянинг Фощандаги бўлимида ҳам норозилик ҳаракати бўлиб ўтганди. Ушунда "Honda" мазкур мамлакатда автомобиллар йиғиши вақтинча тўхтатиб қўйганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Уни нафақат Чиноз туманида, балки Тошкент вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам кўпчилик яхши танийди. Кимдир "Қалмон фермер" деса, яна кимдир "Қалмон муҳандис", бошқа биров "Қалмон тадбиркор" деб атайди, маҳалла аҳли эса "Қалмон оқсоқол" дея мурожаат этади. Бу сифатлар шунчаки ўйлаб топилмаганига, бариси тағ-заминли асосга эга эканлигига унинг амалий иши билан яқиндан танишган киши тўлиқ ишонч ҳосил қилади.

ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ФАОЛЛИК

туфайли чинозлик фермер катта ютуқ ва обрў-эътиборга сазовор бўлди

Мана, масалан, Қалмон Эргашевнинг фермерлик фаолиятига бир назар ташлайлик. Бундан 14 йил муқаддам у "Гулзоробод" ширкат ҳўжалигидан 30 гектар ер олиб, "Қалмон Эргашев" фермер ҳўжалигини ташкил этган эди. Толеининг бандлигини кўрингки, ўтган йили жами экин майдони 74 гектарга кенгайди.

Ҳўжаликда 17 киши ишлайди. Хар бирининг ўз касб-кори, тегишли участкаси бор. Фермер уларга берилган топшириқларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини қатъий назоратга олган ҳолда, муайян қонда асосида иш юритади: яхши ишлаганларни рағбатлантиради, тартибузарларга нисбатан эса кескин чоралар кўради. Шу боис жамоа йилига пахтадан 35-40, галладан 40-45 центнердан ҳосил етиштириш орқали шартнома мажбуриятларини ошириб уйдлашга эришмоқда.

Мамлакатимизда фермер ҳўжаликлари ер участкаларининг мақбуллаштирилгани айти мудоабўлди, — дейди Қалмон ака. — Сабаби, ўз тажрибамдан аёнки, одатда деҳқончилик билан шуғулланган фермер топган-тутгани,

яъни даромадининг асосий қисмини харажатларни қоплашга харжлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида ўғит, уруғ, техника ва улар учун эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материалларининг нархи йил сайини ошиб бораётганини ҳисобга олсак, бу сарф-харажатлар миқдори ҳам вақт ўтган сари ўз-ўзидан ортиши турган гап. Қолаверса, хоҳ кичик, хоҳ катта майдон бўлсин, ерга бир хил техника киритилади, экин парваришида ҳам бир хил агротехника тадбирлари қўлланилади. Шундай экан, фермернинг ер майдони катта бўлса, аминманки, у тежамкорлик эътибидан маҳкам тутиб, ҳар ҳабҳада ишнинг сифатли бажариб, ҳосилдорлики янада кўпайтиришга, пировардида кутилган фойдани қўлга киритишга интилади.

Биз айнан мана шу жиҳатларни кўнгилга туғиб, жорий йилда пахта ҳосилдорлигини 40, галла ҳосилдорлигини эса 45 центнерга етказишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳўзамининг ҳозирги ривожига, галлазорлардаги бошоқли дон чўғи бу ниятимизнинг ушалишидан далолат бермоқда. Энди Қалмон-муҳандис хусуси-

да икки оғиз сўз. Чиндан ҳам унинг мутахассислиги — муҳандис-механик. Тошкент ирригация ва мелiorация институтини тугаллаган. Қарангки, фермер ҳўжалиги раҳбар бўлгач, муҳандислик касби яна қўл келди: қишлоқ ҳўжалиги машина-механизмларини созлаш-

Жараён

таъмирлаш, ғўза парваришида ишлатиладиган турли тирковчи молаларни яратишни ўз бўйнига олди. Фақат шугина эмас. Яқинда муҳандис-фермер уй бекаларини бандликка жалб этиш мақсадида банкдан олган кредити ҳисобидан хар бирда 30 дона парранда боқиладиган 50 та товуқхона ясади. Шу билан бирга, 1500 дона жўжа очтириб, уларни парваришлашни йўлга қўйди.

Фермернинг айтишича, тез кунларда товуқхона ва жўжалар 50 хонадонга тарқатилади. Режага мувофиқ, хонадонлар бир йилга етадиган ем, дори воситалари билан таъминланади, ҳатто уларга ветеринария хизмати кўрсатилиб, суғурталаш кафолатланади. Бу-

нинг эвазига уй бекалари олинандиган тухумнинг ярмини фермерга беради, холос. Гап шундаки, йил давомида 1500 дона товуқнинг хар биридан 220 тадан, жами 330 мингта тухум олинади. Пиро-

лик, Қ. Эргашевнинг ишчилари, маҳалласи, тумани, умуман, юртимиз равнақи йўлидаги муносиб саяё-харакатлари ҳақида тўлқинлиб гапирганларига гувоҳ бўлдик.

фуқаролар йиғини раиси М. Болтабоева. — Чунки унинг раҳбари Қалмон ака бу ерда янги қурилган уйлар учун газ тақсимлагич — ГРП харид қилиб, ўрнатиб берди.

Англапсизми, ҳамқишлоқларининг дил изҳориди Қалмон Эргашевнинг яна бир фазилати — сазоватпешалиги ҳам аён бўлмоқда.

Тошкент вилоятида эса унга ўхшаган фермерлар жуда кўп. Айти кунларда мазкур вилоятда 7449 та фермер ҳўжалиги фаолият юритаётгани бунинг тасдиғидир. Улар пахтачилик ва галлачиликдан ташқари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик билан шуғулланмоқдалар, қишлоқларда кичик корхоналар ташкил этиб, янги-янги иш ўринлари яратмоқдалар.

Президентимиз Андижон вилоятига сафари чоғида "Қишлоққа саноатни олиб кириб, маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркор ва фермерларимизни хар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларга янада кенгрок имкониятлар яратиб беришимиз лозим", дея алоҳида таъкидладилар, — дейди Қалмон Эргашев. — Бу сўзлар замирида биз, фермерларга ишонч, гамхўрлик ва эътибор уфуриб турибди. Бунга жавобан фақат эл-юрт равнақи йўлида астойдил ишлашимиз керак. Ўзимга келсак, шу йилнинг ўзидаёқ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхона бунёд этмоқчиман.

Фермернинг гапи билан иши бир. Демак, яқин орада унинг саяё-харакатлари туфайли яна бир нечта оиланинг рўзгорига барака қиради, юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшилади.

Иқром ЎТБОСАРОВ.
 Еркин БОТИРОВ олган сурат.

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкори

CAS Corporation (Жанубий Корея)

ТАРОЗИ ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, ТАМҒАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ЎРАШ ВА ШТРИХКОДЛАШ.

БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!

БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ

CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!

Тошкент шаҳри:
 - Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (+998 71) 281 4724, факс: 281 4365;
 - С. Азимов кўчаси, 72-«А». Тел.: (+998 71) 236 0449, 233 0371, факс: 232 0685
www.micros.uz; e-mail: micros@ucd.uz, scales@ucd.uz
 Интернет-дўкон: www.shop.micros.uz

Маҳсулот сертификатланган.

ИПОТЕКА-БАНК

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

юридик шахслар учун мўлжалланган қуйдаги жозибадор депозит сертификатларининг жойлаштирилиши давом этаётганлигини маълум қилади:

(I)

- номинал қиймати — 50 000 000,00 (эллик миллион) сўм;
- муомалада бўлиш даври — 360 кун;
- даромадлилик даражаси — йиллик 10,5% миқдорда;
- қимматли қоғозлар тури — эгасининг номи ёзилган.

(II)

- номинал қиймати — 50 000 000,00 (эллик миллион) сўм;
- муомалада бўлиш даври — 540 кун;
- даромадлилик даражаси — йиллик 10,75% миқдорда;
- қимматли қоғозлар тури — эгасининг номи ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат-банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ мuddатли кредитлари улушини қўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1166-сонли қарорининг 8-бандида тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортқ мuddатга жойлаштиришдан олинандиган фиоли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил мuddатга солиққа тортишдан озод этилиши кўзда тутилган.

Қўшимча маълумотларни қуйдаги телефон орқали олиш мумкин:
 (8-371) 150-98-19. Факс: (8-371) 150-89-52.

Ибрат

Навоий шаҳрилик тадбиркор Анвар Ҳасанов ўзи раҳбарлик қилаётган «Қўшчиноргўшт» корхонаси фаолиятини кенгайтирди.

Замонавий техника шарофати

Бунинг учун 60 миллион сўмлик маблағ эвазига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Пировардида корхона қуввати қарийб икки барбарга ортиб, ойига ўртача 150 тонна гўштни қайта ишлаш, шунингдек, 28 хилдаги қолбаса маҳсулотларини тайёрлаш имконияти яратилди.

Х. Эшонқулов,
 «Халқ сўзи» муҳбири.

«Ўзстандарт» агентлиги
 «Республика синав ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси устав фондини 171457218 сўм 34 тийиндан 148366169 сўм 54 тийинга камайтираётганини маълум қилади.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК ФИЛЬТРЛАРИ, ИЗО-МУФТАЛАРИ

Маҳсулот сертификатланган.

Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Маъмул: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, «Ш» дахаси, 6-уй (мулжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чорраха)

ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. 8000 сўм.

КАРБИД — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови!

«Semillas Fito» (Испания) уруғчилик компаниясининг Ўзбекистондаги вакили иккиламчи экин учун юқори ҳосилдор маккажўхори уруғларини таклиф этади.

Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.

Маълумот учун телефонлар: (+99897) 100-83-13, (+99893) 382-56-57, (+99871) 257-44-01, 257-44-03.

«Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзэлектртармоқ» УК жамоаси Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи раҳбари Абдулла Аҳмедовга волидан муҳтарамаси **МУҲТАРАМ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти, қасаба уюшма қўмитаси Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, доцент Замира Ишонқўжеевага ораси **Мавлуда ЖУМАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Фонон» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси жамоаси масъул ходим Махфуза Шариповага турмуш ўртоғи **Олджон РАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



«ЎЗБЕКИСТОН МЕНИ ЎЗИГА МАФТУН ЭТДИ»

— дейди пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмада жаҳоннинг атокли рассомлари қаламига мансуб суратларни томоша қилган ҳиндистонлик сайёҳ Ражив Чоудхари

Ражив билан Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта академик драма театри ҳовлисида ташкил этилган «Жаҳон санъати дурдоналари — Тошкентда» номли кўргазмада танишиб қолдик. Ҳиндистон санъати бўлган қизиқиш бизни улар билан суҳбатга қорлади. Таржимон қиз меҳмонларга мақсадимизни ойдинлаштиргач, Ражив ўз таассуротларини баҳонидил ўртоқлади.

Таассурот

— Ассалому алайкум, намастэ, — дея саломлашиб гап бошлади у. — Онам Раж Калпурга ҳавас қилиб исмиمنى шундай қўйган экан. Менинг ҳам худди унингдек етук актёр бўлишимни истарди. Бироқ Раж Калпур битта. Уни такрорлаш ҳам, унга тақлид қилиш ҳам қийин. Шу боис мен санъатда янги йўналиш қилиш ниятида хусусий театр ташкил этдим. Жамоамиз билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганмиз. Ўзбекистонга эса биринчи марта келишим. Самарқанд, Бухоро ҳақида кўп эшитган эдим. Бориб кўрдик: тасаввуримиздан ҳам кўра жозибали экан. Қадим шаҳарлардаги муаззам миноралар, уларнинг пештоқиға ишланган сурат ва нақшлар бизни ҳайратлантирди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган замин — Андиқонда ҳам бўлди.

Олий маълумотни у Лондондаги Санъат академиясида олган. Айни пайтда мустақил театр раҳбари. 20 нафар аъзодан иборат ушбу гуруҳнинг фаолиятдан қўзланган мақсад шуки, улар дунё халқларининг энг номдор бадий фильмларини спектакль кўринишида намойиш этишади. — Ўзбекистонга илк мартаба келган бўлсам-да, таассуротларим бир олам. Таассуротларимнинг ҳаммаси бир тараф-у, ушбу кўргазмадан ҳаяжонланганим бир тараф бўлди, — дейди Р. Чоудхари. — Тўғрики, бундай гўзал ва бетакрор асарларни томоша қилиш насиб этади, деб ўйламаган эдим. Бу юртингизда санъат ва маънавиятга бўлган юксак эътибор самарасидир. Дунёнинг турли миллатига мансуб рассомларнинг ижоди кишини бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун бўлса керак, бу ер ниятда гавжум. Бизнинг юртимизда, одатда, кино намойиш этилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган «Жаҳон санъати дурдоналари — Тошкентда» кўргазмаси давомида пойтахтимиздаги марказий кўчаларда юртимиз ва жаҳоннинг номдор музейларида сақланаётган нодир рангтаъсир асарлари акс эттирилган баннерлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. — Учта фарзандим бор, — дейди суратларни томоша қилаётиб ўзини Лобар Рустамова деб таништирган аёл. — Тўнғич ўғлим Эшлод расм чизишга ниятда қизиқади. Мақсус тўғаракка ҳам қатнайди. Ушбу кўргазма телевидор орқали кўриб, мени кўярда-қўймай олиб келди. Яхшиямки, келган эканман, бўлмаса шунча гўзалликдан бетаҳра қолар эканман. Ўғлим ушбу суратларни ўзининг фотоаппаратида тасвирга туширди. Энди уйга бориб, уларни мустақил чизмоқчи.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида миллий ўзликини англаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар бугун халқроқимқисда ҳам эътироф этилмоқда. Бой ва бетакрор меросимизни асраб-авайлаш, қўқур ўрганиш, аجدодларнинг юксак салоҳиятини юртимиз ҳамда жажон миққисда тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор берилаётгани эса ҳар томонлама ибратлидир. Ўзбекистон Бадий академияси

ҳида қизиқиш билан томоша қилдим. Уларни томоша қилиш давомида, янги гоёларни ўйладим. Келажакда зўр рассом бўлиб, менинг асарларим ҳам чет элларда намойиш этилишини ният қилдим... Юз-қўзларидан самимият, тилакларидан эзулик балқиб турган бу йигитнинг олпоқ ораули ижобат бўлишини астойдил истаймиз. Зеро, осмони мусалло, суви тоза, одамларни аҳил, турмуши фаровон юртдагина фарзандлар мана шундай ният қилишади, эртанги кўнға дадил ишонч билан қарашади. Шунинг учун бўлса керак, бетакрор Ватанимиз — Ўзбекистонга ташриф биорайётган турли элат ва миллатга мансуб меҳмонлар нафақат дўригимиздаги ўзгариш ва янгиликлар, шу билан бирга, халқимизнинг одамийлигию меҳмондўстлиги, ҳеч кимдан кам бўлмаганнинг фотоаппаратида тасвирга туширди. Энди уйга бориб, уларни мустақил чизмоқчи. — Бу ерга келиб жуда хурсанд бўлдим, — дейди Эшлод онасининг гапига қўшимча қилиб. — Ҳар бир суратда катта маъно бор. Мен табиати тасвирлашга қизиқман. Шунинг учун бу мавзудаги суратларни ало-

2010 йил — Баркамол авлод йили ФАРЗАНДАР САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда 5 ёшгача бўлган болаларни полиомиелитга қарши эмлаш тадбирларининг иккинчи босқичи бошланди.

Аввал хабар қилганимиздек, юртимизнинг барча ҳудудларида 5 ёшгача бўлган болаларни полиомиелит, яъни ўткир шол касаллигига қарши эмлаш тадбирлари ўтказилмоқда. Яқинда эмлашнинг иккинчи босқичи бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг Европа ҳудуди бўйича бюрорлари вакиллари, тиббиёт мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ҳамкорлигида икки босқичли эмлаш тадбирлари ташкил этилди. Республикада 7 миллион доза полиомиелитга қарши вакцина олиб келиниб, жорий йилнинг 17-23 май кунларида вакцинация ҳафталигининг биринчи босқичи муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда эса эмлашнинг навбатдаги босқичи бошланди. Ушбу кенг қўламли тадбир 13 июнга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юқори савияда ўтказилади. Унда 3 миллион нафардан зиёд, яъни 100 фоиз болалар эмлашни кўзда тутилган.


— Мамлакатимизда иммунизация ҳафталигини ташкил этиш учун тезкор ва аниқ чоралар кўриладиганини ўзиёқ бу юртда эл соғлиғи, келажак авлод саломатлиги муҳофазаси доимий эътиборда эканигидан далолат бериб турибди, — дейди жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудуди бўйича бюроси директори Жужанне Якаб хоним. — Биз, шунингдек, бу ерда полиомиелитга қарши эмлашнинг бола соғлиғи учун нечоғли зарур эканлиги хусусидаги тушунтириш-тарғибот ишлари намунали йўлга қўйилганининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Эслитиб ўтамиз, ўткир шол касаллигига қарши вакцина янги туғилган чақалоқлар учун ҳам тўлиқ хавфсиздир. Эмлаш босқичлари ўтказилаётган пайтда аввал иммунизациядан ўтган гўдақлар, шунингдек, қачон, қандай касалликка қарши эмланганидан қатъи назар, барча болалар яна эмлашни даркор.

Полиомиелит — ўткир шол касаллигининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган эмлаш тадбирлари ҳам бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар сирасига кирди. Ушбу хасталиқнинг мамлакатимизга кириб келишига йўл қўймайлик, ўз вақтида эҳтиёт чораларини кўриш мақсадида ҳукуматимиз, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

4-6 июнь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси универсал жанг бўйича V Осий чемпионатига мезбонлик қилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда Осий универсал жанг федерацияси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу нуфузли мусобақада мезбонлардан ташқари, Россия, Япония, Эрон, Сурия, Покистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон каби ўндан ортиқ мамлакатлардан келган 100 нафар спортчи тўққиз вазн тоифасида голиблик учун куч синашди. Чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз йирик спорт турнирларига мезбонлик қиладиган марказлардан бирига айланиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президентимиз раҳнамолигида бунёд этилган спорт саройлари, замонавий инфратузилма, юртдошларимизнинг халқаро турнирларда эришаётган улкан ютуқлари дунё спорт жамоатчилиги эътиборига тушмоқда. — Универсал жанг бокс, қўл жанги, дзюдо, самбо ва бошқа кўплаб яккакураш спорт турларини ўзида муассамлаштирган, — дейди Универсал жанг халқаро хаваскорлар федерацияси президенти, дзюдо кураши бўйича икки карра Олимпиада ўйналган чемпиони Сергей Новиков. — Бугун дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатда ушбу спорт тури бўйича федерациялар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон учун

бу спорт тури, нисбатан янги бўлса-да, эришаётган натижалар салмоқли. Жаҳон чемпионати совриндорлари Алишер Абдуллаев, Рустам Мағдиев каби спортчиларингиз дунё рингларидан катта таъриба тўплаган. Энди бевосита Осий чемпионати ўйинларига тўхталдиган бўлса, унда ҳамюртларимиз рақибларига нисбатан яққол устунлик қилишиди. Айниқса, 80 килограмм вазнли спортчилар ўртасида сирдарёлик турт карра жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев бу сафар ҳам қитъамизнинг энг номдор спортчиларидан бири эканлигини исботлади. У ярим финалда эронлик Бағрей Хамид Везолини, финалда эса юртдошимиз Умид Уриновни мuddатидан олдин мағлубиятга уратди. Вакилларимиздан Нуриддин Долимов, Дилшод Содиқов, Аҳмад Алимибеков, Аскар Аймагов, Нурмуҳаммад Мамажонов ўз вазн тоифаларида «Осий чемпиони», деган шарафли номга сазовор бўлишди. Яқинда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон спортчилари биринчи, Эрон жамоаси иккинчи, Тожикистон вакиллари учинчи ўринни эгаллади. Чемпионат доирасида Универсал жанг халқаро хаваскорлар федерациясининг ижрокўм ййилиши ва навбатдаги конгресси ҳам ўтказилди.

Э.ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

Бадий гимнастика: НАФОСАТ, ЖОЗИБА ВА БАРКАМОЛЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Таълим муассасамиз фаолият бошлаганига уч йил бўлди, — дейди 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббий Нигора Полюнова. — Унинг очилиши арафасида Президентимизнинг ташриф буоргани жамоамиз учун унутилмас воқеа бўлган. Ҳозирги кунда бадий гимнастика билан 100 нафардан зиёд қиз мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳам қувонарли.

Бугун «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларида фохли учинчи ўринни қўлга кiritган Дилноз Жолдасбоева, таърибали спортчилар А. Жиянбоева, М. Янченко, Г. Емберганаева, Е. Ефремова, А. Тобибоева, Т. Буксебаева, Ж. Базарбоева, А. Жиембаева, Г. Исеева турли мусобақаларда Қорақалпоғистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Оролбўйида бадий гимнастикани оммалаштиришга баркамол авлод тарбияси йўлида энг муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фарзандлари соғлом юртининг эртаси чарогондир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги янги мuddатли депозитлар амалга киритилишини маълум қилади.

«АЛОМАТ»

- Сақлаш мuddати — 3 ой, фоиз ставкаси — йилига 21%.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар ҳар ой (капиталлаштирилмаган ҳолда) ёки омонат мuddати тугаганидан сўнг тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори чегараланмаган.
- Омонатга маблағ қабул қилиш — 2010 йил 1 августга қадар.

Нафақахўрлар учун «ИЗЗАТ»

- Сақлаш мuddати — 3 ой, фоиз ставкаси — йилига 23%.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар ҳар ой (капиталлаштирилмаган ҳолда) ёки омонат мuddати тугаганидан сўнг тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори — 250 минг сўмдан кам эмас.
- Омонатга маблағ қабул қилиш — 2010 йил 1 сентябрга қадар.

Бизга ўз омонатларини бошқаришни ишониб топширган кишиларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

ОБ-ҲАВО

(9 июнь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик қузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 21.50

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўбосаров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаллаҳ — Ҳ. Тошқўжаев.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

1 2 3 5